

## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 37

(Олди- сотди хақида)

Тошлок тумани

24 «октябрь» 2022й.

Тошлок туман Тиббиёт бирлашмаси номидан А.Р.Шерматов биринчи томондан ва бундан буен бир томондан «Буюртмчи» деб юритилади, низом асосида ҳаракат қилувчи, иккинчи томондан RAYYONA BIZNES TA'MIR MCHJ номидан унинг раҳбари М.Бобоқулов низоми асосида иш юритувчи бундан буен «Пудратчи» деб юритилади ва қуйидагилар ҳақида ушбу шартнома тузилди.

### 1. Шартнома предмети

1.1. Пудратчи ўз зиммасига буюртмачининг топшириғига асосан тумандаги Тиббиёт бирлашмасига қарашли булим ва ОП ҳамда ОШП ларига Иссиқлик қозонлари етказиб беришини ўз зиммасига олади ҳамда амалдаги меъёр ва қоидалари бўйича сифатли иш бажаради.

### 2. Шартнома баҳоси

2.1. Шартнома баҳоси **61200000 (Олтмиш бир миллион икки юз минг)** сўмни ташкил қилади.

### 3. Тўлов шартлари

3.1. Бажариладиган ишлар қийматини 30% миқдорида Буюртмачи томонидан олдиндан Пудратчи ҳисоб рақамига ҳақ ўтказиб берилади.

3.2. Етказилган товарлар Буюртмачи томонидан белгиланган тартибда Ҳисоб-фактура асосида қабул қилиб олинади

3.3. Шартнома бўйича бажарилган иш учун ҳисоб-китоб ҳар ойнинг якунида амалга оширилади ва якуний ҳисоб китоб иши тўлиқ тамомлангандан кейин, (бунга ишни қабул қилиб олиш жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф қилишни ҳам қўшиб) Буюртмачи томонидан амалга оширилади.

3.4. Бажарилган ишни махсус комиссия томонидан қабул қилиб олинмаса, бажарилган ишга ҳақ тўланмайди.

### 4. Мажбуриятларни бажариш муддатлари

4.1. Пудратчи ушбу шартноманинг 1 бўлимида назарда тутилган ишларни белгиланган календар иш режасида назарда тутилган муддатларда бажаради.

4.2. Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишга белгиланган муддатда ҳақ тўлаши маҳаллий бюджетдан мунтазам равишда маблағ ажратиб беришга боғлиқ эканлигини, шу сабабдан бажарилган ишлар ҳақини тўлаб бериш муддати 6 ойгача чузилиши мумкин. Бу муддат бажарилган пудрат иши якунини махсус комиссия (давлат комиссияси) томонидан қабул қилиб олинган санадан ҳисобга олинади.

### 5. Тарафларнинг мажбуриятлари

5.1. Пудратчи:

5.1.1. Ўз ишчи кучи ва техника воситалари билан календар иш режасида назарда тутилган барча ишларни тўла ҳажмда ва муддатида бажарилиши ва тегишли лойиҳа ҳужжатларидаги ҳолатида ишларни Буюртмачига 10 иш кунида топширилиши.

5.1.2. Объектга лойиҳага биноан зарур бўлган материалларни конструкцияларни бутловчи ашёлар етказиб бериш ва уларни қабул қилиш, тушириш тахлаш ҳамда саклашни амалга ошириш.

5.1.3. Ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун жалб қилинадиган махсус ташкилотлар билан субпудрат шартномаларини тузгани туғрисида буюртмачига ахборот бериш ва у томонидан ишларни бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш:

5.1.4. Техника хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги ва объектни қўриқлаш бўйича зарурий чора тадбирларни бажарилишини таъминлаши керак.

5.2. Буюртмачи:

5.2.1. Календар иш режасида белгиланган ҳажмда ва муддатда объектни Пудратчига топширилиши.

5.2.2. Ушбу шартноманинг биринчи бўлимида назарда тутилган ишларга шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда Пудратчига ҳақ тўлаш шарт.

5.2.3. Пудратчидан ёзма хабарнома олган санадан бошлаб 2 ҳафта ичида товарни қабул қилиши шарт.



5.2.4. Товар бинонинг ичкари қисмида жойлашган бўлса қўриқлаш учун буюртмачи томонидан объектни қўриқлаш учун масъул ходим бириктирилиши лозим.

#### **6. Тарафларнинг жавобгарлиги**

6.1. Буюртмачи бажарилган пудрат ишлари махсус комиссия томонидан қабул қилингандан бошлаб 6 ойгача ҳақни тўлаб бермаса кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,04% пеня тўлайди.

6.2. Шартнома талабларида кўрсатилган белгиланган сифатлардаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк етказиб берилмаган тақдирда, айбдор тараф ушбу махсулот қийматининг 20 % миқдорида жарима тўлашига сабаб бўлади.

6.3. Пудратчи шартнома шартларини бузса белгиланган муддатда пудрат ишларини тугатмаса кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,05% пеня тўлайди.

6.4. Жами томонлардан ундирилган пеня суммаси низоли сумманинг 50% ошмаслиги лозим.

6.5. Назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш давомида етказиб берилган товар еки махсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда ўртадаги фарқ етказиб берувчи томонидан қопланади.

#### **7. Форс-мжор ҳолатлари**

7.1. Тарафларнинг бирортаси ҳам бошқа тарафнинг олдида ушбу шартнома бўйича олинган мажбуриятларни тарафларнинг эрки ва истагидан ташқари пайдо бўлган ва уларни олдида кўра билиши ёки бартараф этиши мумкин бўлмаган ва хатолар унга қўшиб уриш эълон қилиниши ёки амалда бошланганлиги фуқаролик тартибсизлиги, вабо тарқалиши, блокада, эмбарго, ер кемирилиши, сув босиши, ёнғин ва бошқа табиий офатлар билан боғлиқ ҳолда бажармаганликлари учун жавобгар бўлмайди.

7.2. Бартараф қилиб бўлмайдиган кучларни мавжудлиги ёки амалда давом этаётганлиги Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг шунга оид қарорлари ёки ва бошқа ваколатли органлар томонидан берилган гувоҳномалари унинг етарли даражадаги тасдиғи бўлиб ҳисобланади.

7.3. Ўз мажбуриятини бажармаган тараф шартнома бўйича мажбуриятни бажаришга уни таъсир кўрсатиши ёки монеълик қилиши тўғрисида бошқа тарафга имкон қадар тезда хабар бериши лозим.

7.4. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган кучлар 3 ой давомида мунтазам таъсир этаётган бўлса ва тугаш белгилари аниқланмаса, ижарага берувчи ва ижарага олувчилар бошқа тарафга хабар юбориш йўли билан ушбу шартнома бекор қилиниш мумкин.

#### **8. Низоларни ҳал қилиш тартиби**

8.1. Тарафлар ўртасида ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ пайдо бўладиган барча низолар ёки келишмовчиликлар тарафлар ўртасида музокара йўли билан ҳал қилинади.

8.2. Агар келишмовчиликларни музокара йўли билан ҳал қилиб бўлмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Марғилон туманлараро Иқтисодий судида қўрилишига тегишли бўлади.

#### **9. Шартномага қушимча ва ўзгартиришлар киритиш тартиби**

9.1. Ушбу шартномага ҳар қандай киритилган қушимча ва ўзгартиришлар ёзма равишда расмийлаштирилиб ҳар икала тараф имзолаган ҳолларда ҳаққий кучга эга бўлади.

9.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг келишуви бўйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодекс ива қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар бўйича етказилган зарарларни қоплаш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

9.3. Буюртмачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

Пудратчининг айби билан ишларни боришини сустраслик билан тухтатиб турилиши яъни ушбу шартномадаги ишларни тамом бўлиш муддати 1 ойдан қўпга ошиб кетганда: Пудратчининг шартнома шартларини бузиши натижасида лойиҳада курсатилган ишларни сифати пасайганда;

9.4. Пудратчи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

Буюртмачи томонидан Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича қурилиш монтаж ишларини боришини 1 ойдан ошадиган муддатда тухтатиб турганда: Буюртмачи томонидан кейинчалик қуришни молиялаш имконияти йуқолганда.

9.5. Буюртмачи ва Пудратчининг биргаликдаги қарори бўйича шартнома бекор қилинганда Буюртмачига тугатилмаган қурилиш топширилади. Буюртмачи эса пудратчига улар томонидан аниқланган бажарилган ишларнинг ҳажми қийматини тўлайди.

9.6. Шартномани бекор қилишга қарор қилган тараф бошқа тарафга ёзма хабарнома юборади.

#### **10. Бошқа шартлар**



- 10.1. Объектлар ва унга кирувчи инженерлик тизимлари жихозлар материаллар ҳамда ишларнинг меъёрида ишлашига кафолатланган муддати унинг учинчи шахслар тарафидан кузланган ниятда шикас етказган холлари бундан истисно килинади. Объектни кабул килиш тугрисидаги далолатномани тарафлар имзолаган вақтдан бошлаб 2 ой давомида белгиланади.
- 10.2. Пудратчи томонидан бажарилган ишларга 3 йил кафолат муддати белгиланган.
- 10.3. Камчиликларнинг мавжудлиги ва уларнинг бартараф килиш муддатлари пудратчи ва буюртмачининг икки томонлама далолатномаси акс эттирилади.
- 10.4. Агар пудратчи аниқланган камчиликлар далолатномаси курсатилган муддат ичида бажарилган ишларнинг бунга жихозларни ҳам кушиб камчиликларни бартараф килмаса уларни буюртмачи бошка бажарувчининг кучи билан харажатларни пудратчи тулаши орқали бартараф килишига ҳақли.
- 10.5. Пудратчи аниқланган камчиликлар тасдиқлаш иш далолатномасини тузиш ёки имзолашдан бош тортганда буюртмачи малака экспертизасини тайинлайди. Экспертиза камчиликлар ва уларнинг тусларини акс эттириш буйича тегишли далолатнома тузади ҳамда тарафнинг мазкур масала буйича иқтисодий судига мурожаат килиш ҳукукини истисно килмайди
- 10.6. Пудратчи қурилиш объектини лойиха ҳужжатларини ёки унинг айрим қисмларини буюртмачининг ёзма рухсатисиз бирорта учунчи шахсларга сотиш ёки бериш ҳукукига эга эмас.
- 10.7. Пудратчининг айби билан объектни қуриш натижасида учунчи шахсларга етказилган зарар Пудратчи томонидан буюртмачининг айби билан булса буюртмачи томонидан товон туланади.
- 10.8. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга булган икки нусхада тузилди ва ҳар бир томонда бир нусхадан сақланади.
- 10.9. Тарафларнинг хоҳишлари буйича бошка шартлар.
- 10.10. Ушбу шартнома бюджет ташкилотлари учун газначилик булимидан руйхатдан утказилгандан сунг юридик кучга киради ва "31" декабр 2022 йилгача амалда бўлади

**11. Томонларнинг юридик манзили ва банк реквизитлари:**

«Пудратчи»

RAYYONA BIZNES TA'MIR MCHJ

(иш бажарувчининг номи)

Манзил: Фаргона вилояти Тошлок тумани  
Хавас 125-уй

Тел./факс 99-006-79-79

х/в: 20 208 000 905 457 940 001

Банк номи: Фаргона ш.

Узсаноатқурилишбанк АТБ

МФО: 00524

СТИР: 308929180

ОКОНХ: \_\_\_\_\_

Раҳбар: \_\_\_\_\_ **М.Бобокулов**

(Ф.И.Ш)



(имзо)

«Буюртмачи»

Тошлоқ туман Тиббиёт бирлашмаси

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Тошлоқ тумани, А.Навоий 32-уй

Тел./факс \_\_\_\_\_

шх/р: 400322860302277072120054013

шх/р: \_\_\_\_\_

СТИР: 200186254

Газначилик бўлимаси номи

Тошлоқ тумани бўйича газначилик

бўлимаси

Ғазна шх/в 23402000300100001010

Банкнинг номи ХККМ марказий банк

Тошкент ш. ББ

МФО 00014

СТИР 201122919

Раҳбар: \_\_\_\_\_ **А.Р.Шерматов**

(Ф.И.Ш)

(имзо)



# СПЕЦИФИКАЦИЯ ЦЕН.

**ПОСТАВЩИК:**

ООО «Rayuona Biznes Ta'mir Biznes»

по договору № 37 от «*21*» *dek* 2022 г.

**ПОКУПАТЕЛЬ:**

Тошлок туман Тибиёт бирлашмаси

№	Наименование товаров (работы, услуг)	Ед. изм	Кол-во	Базовая цена	Стоимость пост	Нац постр	Цена	Стоимость поставки	НДС		Стоим поставки с учетом НДС
									Ставка%	Сумма	
1	КАТЁЛ 50-квт	шт	6	0,00	0	0	10 200 000	61200000	Без	НДС	
<b>Всего к оплате:</b>								<b>61200000</b>		<b>НДС</b>	<b>0,0</b>

Шартноманинг умумий суммаси:

Олтинчи бир миллион икки юз минг сум.

ООО «Rayuona Biznes Ta'mir Biznes» директор:

М. Бобокулов



Тошлок туман ТТБ бошлиги:

А.Р. Шерматов





**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

KK4505858276

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **Xo‘jalik munosabatlari**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot: Toshloq tuman tibbiyot birlashmasi tomonidan 24.10.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi O‘zbekiston Respublikasining 29.08.1998-yildagi “Xo‘jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy xuquqiy bazasi to‘g‘risida”gi Qonunning 24-moddalari hamda O‘zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining 324-339-moddalari talablariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Toshloq tuman yuridik  
markazi  
markaz rahbari:**



**U.S.G‘OFUROV**  
26.10.2022